





НУҚТАИ НАЗАР

МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ ВА ТАЪСИРЧАН КУЧИ



Эзулик бешиги, она-Ватан рамзи, халқ виждони, демократия дарсхонаси, деб таърифланаётган маҳалла жамият тараққиётига мос равишда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда бу институтнинг равнақи ўзбек давлатчилиги тарихи билан бевосита боғлиқдир. Зеро, унинг ваколатлари кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилларига тўла мос келади.

Аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга қўшимча моддий ёрдамлар кўрсатиш, фуқаролар бандлигига қўмаклашиш борасида тизим томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Уз навбатида, ҳудудларда хусусий ва оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш каби йўналишларда қатор чора-тадбирлар амалга ошириляётир.

Кейинги йилларда жамоатчилик назорати механизмидан самарали фойдаланишга бўлган саъй-ҳаракатлар сезиларли даражада кучайди. Бу эса ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишда салмоқли роль ўйнамоқда.

Айниқса, жорий йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонунлар ҳаётга татбиқ этилгани маҳаллаликнинг нуфузини янада ошириш ва мустақамлаш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Фуқаролар йиғинида тузилган асосий фаолият йўналишлари буйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Шу уринда таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 7 октябрида Вазирлар Маъжасинининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 10, 14 ва 18-моддалари ижросини таъминлаш доирасида қабул қилинган қарор тизим фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Унга қўра, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари буйича комиссиясининг асосий вазифаларини амалга оширишда фуқаролар йиғини ҳудудидаги ички ишлар органларининг профилатика инспектори, хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари, таълим муассасалари ва тегишли ташкилотлар, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари буйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁНГА ҲОЗИРЛИК

Семинарда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиянинг асосий вазифалари ҳақида агрофлича тушунчалари берилди, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Рустам Арзиев. — Хусусан, йиғин раиси лавозимига номзодлар сайловга қамоқда беш йил тегишли ҳудудда доимий яшagan булишлари лозим. Негаки, улар фуқаролар йиғини раислигига сайлангач, аҳолининг турши-турмушидан, яшаш шароитидан хабардор ҳамда яхши-ёмон кўнарида уларга елкадош булишлари лозим.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига номзодлар буйича таклифлар тайёрлаш ҳамда улар тўғрисида маҳаллий ҳокимият раҳбари билан келишиш учун керакли ҳужжатларни тегишли комиссияга тақдим этишда қонун талабларига қатъий риоя этилиши жоиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими мутахассиси Омонбой Сафаров. — Йиғилиш иштирокчиларига янги тахрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддаси талаблари асосида ишчи гуруҳ ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овулардаги маҳаллалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олиб ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни қўрилган ҳолда аҳолининг умумий йиғилишига баённомасини қандай тuzилиши ҳақида агрофлича маълумот берилди.

ҲУНАРМАНДИЧИЛИК

Асрий ва жозибали анъаналар

Нурота — ҳунармандлар юрти. Мамлакатимиздаги қўлай тадбиркорлик муҳити, кўрсатилаётган гамхўрликдан тумандаги 135 нафардан зиёд ҳунарманд ҳам баҳраманд.

Улар асрий анъаналарга замонавий руҳ бағишлаб, миллий қадриятларимизни янги босқичда ривожлантириб бормоқдалар. Бунинг натижасида ҳудуд маҳаллалари оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётган. — Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик намуналари қаторида каштадузлик ҳам кенг тараққий этмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондидининг Нурота тумани бўлимчиси раиси Туйқул Қобилов. — Нуротада атлас ва адрас тўқиш оммалашиб бораётгани, айниқса, бу ҳунарга ёшларимизнинг қизиқибетгани бизни қувонтиради. Яқинда «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими томонидан 6 та маҳаллага адрас тўқиш дастоҳи келтириб ўрнатилди. Бу эса азалдан ҳунармандчилик учоғи бўлган маҳалланинг тадбиркорлик марказига айланаб бораётганидан далолатдир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

БИЗНЕСГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛГАН

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётида, халқимиз учун муносиб турмуш барпо этиш, масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бораётган. Бунда соҳага оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилаётган имтиёзлар, кредитлар ажратишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Сирдарё вилоятида йирик sanoat корхоналари, оилавий тадбиркорлар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг сермахсул фаолияти ҳамда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишга қаратилган салоҳияти мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, ҳудудда қўллаб иш ўринлари яратилишига, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун англаган «Агробанк» ОАТБ Сирдарё вилоят филиаллари бундай корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаб келаётган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Нижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ мuddатли кредитлари улушини қўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг утган даврида банк томонидан 8 млрд. сўмга ққин кредит ажратилди. Натижада ҳудудда бир қанча йирик sanoat корхоналари иш бошлаб, 468 та янги иш ўрни ташкил этилди.



Юртбошимизнинг 2009 йил 28 июндаги «Мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйишга асос бўлди, — дейди «Ёруғ Нур сервис» МЧЖ раҳбари Чингизхон Қўнишбоев. — Жорий йилда «Агробанк» ОАТБ Сирдарё вилоят филиали томонидан ажратилган 35 млн. сўм кредит ҳисобига замонавий ромлар ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилдик. Натижада 5 нафар ёш ишли бўлди. Ҳукуматимиз томонидан биз — тадбиркорларга берилаётган имкониятлар ишлаб чиқариш салоҳиятимизни янада кенгайтиришга, аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришга ундамоқда. Колаверса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси асосида «Агробанк» ОАТБ Сирдарё вилоят филиаллари томонидан кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларига 120 млн. сўм кредит ажратилиши натижасида қўллаб иш ўзи бизнес фаолиятини йўлга қўйишди. Бу эса уларни меҳнатга иштиғкин, ўз мол-мулкига эгалик ҳиссини оширмоқда.

Дилором МУРОДОВА, Республика «Онла» илмий-амалий маркази ходими.

«ОРАСТА ҚИЗЛАР»

«ТОШКЕНТНИНГ ОЙ ҚИЗЛАРИ» — ГОЛИБ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги маъқеини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёт ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоялаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарида ҳам шу мақсадга йўналтирилган билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тўғарида Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан қўллаб-қувватланиб,

ҳозирда маҳалалар билан ҳамкорликда ҳар бир таълим муассасасида фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига асосан Тошкент шаҳрининг 11 та маҳалласида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг мо-

лий давоми сифатида академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида таълим олаётган қизлар ўртасидаги «Ораста қизлар» республика кўрик-танлови ташкил этилди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган ушбу тадбирда 14 та жамоа қатнашди.

— Тўғаракнинг асосий мақсади болалар ва ўсмирларда шахсий гигиеник, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, ўзининг, хонадонининг, маҳалласининг ва атроф-муҳитининг тозаллигига эътиборни кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, қизларнинг ўзаро муносабатларидан унумли фойдаланган ҳолда ёши ва физиологик ривожланиши босқичига қараб,

улар ўртасида эрта турмушнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги, муомала маданияти ҳақида кенг тушунча беришдан иборатдир, — дейди ҳайъат аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова.

— Шунингдек, тўғарак нафақат тиббий, балки ғоявий тарғибот ишларини ҳам олиб боради. Ушбу тадбир ўқувчи-қизларни умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқат, юксак инсоний фазилатлар, ватанпарварлик ва ҳалқпарварлик ру-

ҳида, жамиятда эътироф этилган ахлоқ тамойиллари ва меъёрларига мос равишда тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини маънавий, ғоявий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик ва миссионерлик ҳаракатлари таъсирига тушиб қолишдан сақлаш ва уларнинг ҳаётга фаол муносабатини шакллантиришни мақсад қилган.

Танловда жамоалар ҳуудлар кетма-кетлигида ўзларига берилган мавзулар бўйича саҳна кўринишларини намойиш этиди.

Иштирокчиларнинг маҳорати, заковати ва билимига қараб «Ораста қизлар» кўрик-танловининг республика босқичи голиблари аниқланди. Якуний натижага қўра, 1-урин Тошкент шаҳрининг «Тошкентнинг ой қизлари» жамоасига насиб этди. 2-уринни Сирдарё вилоятидан ташир буюрган «Сардожа зеболари» қўлга киритган бўлса, 3-уринга Навоий вилоятининг «Марварид» жамоаси лойиқ топилди.

Фестиваль голибларига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

АФСУС

ТАНБОЗОР ДАЛЛОЛИНИНГ ҚИММАТГА ТУШГАН САВДОСИ

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб «одам савдоси», «траффик» каби атамалар тез-тез ишлатила бошлади. Кейинги йилларда одам савдоси жаҳон оммасини ташвишга солаётган халқаро терроризм, экстремизм, наркотиқ бизнес каби глобал муаммолардан бирига айланди.

Ушбу жиноят турли кўринишларда: инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, улардан ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қўл сифатида мажбуран сотиб юбориш, фохишабозликка тортиш ва бошқа шаклларда қўлаб учрамоқда.

Буни қарангки, одам савдоси кўрбонлари орасида аёллар кўпчилигини, яъни 60 фоизни ташкил этар экан. Одамларнинг ўз ҳуқуқини билиш, талаб қилиш борасидаги саводи етарли эмаслиги, ёгон рекламаларни тарқатиш, алдовнинг авж олиши каби омиллар ушбу иллатнинг илдиз отишида қўл келмоқда.

Худдики, Дилнозанинг қисмати каби... 2012 йил 27 ноябрь. Дилноза Гулбаҳор билан танишганида, тузоққа тушиб қоламан, деб уйламаганди. Шунинг учун ҳам унинг чет элдан кийим-кечаклар олиб келиб, уларни сотиб даромад қилиш таклифига рози бўлди. Эртаси куниниёқ улар Олма отага жўнаб кетишди. Чегарадан ўтишганда уларни бир киши кутиб олди. Паспортларини олиб, автобус ҳайдовчисига берди. Манзилга етиб борганда эса Ира исми аёл кутиб олиб, унинг паспортини ҳайдовчидан ўзига олди. Аммо у олиб борган жой кийим-кечак сотиладиган бозор ҳам, кийим-кечак фабрикаси ҳам эмас, балки кўп қаватли уйнинг хонадониди. Унда эса бир нечта қизлар...

Шунда Дилноза бу ерга кийим савдоси учун эмас, балки ўз танасини савдога қўйиш учун йўланганлигини англаб етди. Норози бўлди. Жанжал кўтарди. Тортишув Дилнозанинг дўшманлиги билан тугади. Начора, у сотилган, ўзи билан бирга тани ҳам, номус-ори ҳам сотилган эди. Шундан бошлаб у Ира ва унинг бошлиғи Гуля исми аёл таъзим қилишга мажбур бўлди. Хизматдан бош тортишганда эса тан жазосига тортилди. 2013 йилнинг январь ойида Гулбаҳорнинг Ўзбекистонга қайтаётганини билиб қол-

ган Дилноза унга «мени ҳам олиб кетинг» дея ёлворди. Аммо бари бефойда эди. Яна қўрқитиш дўшманлиги бўлишига қўл келди. Фақат соғлиги ёмонлашиб қолгани боисгина, уйига қайтиши учун рухсат беришди. Шунда ҳам, ҳеч кимга шикоят қилмаслик шарти билан. «Акс ҳолда, уни улдириб кетишлари мумкин...» экан.

Не азобу ўқубатлар билан уйига қайтган Дилноза даволашди. Сунгра ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этди. Ана шундагина Гулбаҳорнинг жиноий қилмишлари фош бўлди. Суд Гулбаҳор Алимовага нисбатан тегишли жазо тайинлади — у саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Гулбаҳорку қилмиши учун жазо олмақда, аммо кишини ўйга толдиригани бу каби ҳолатларнинг ҳамон давом этаётгани, содда, адоғга учган фуқароларнинг тани ҳам, шаъни ҳам топталаётганидир. Нега огоҳ бўлмаямиз, агарофимизга теран нигоҳ ташламаямиз, теварагимиздаги ҳодисалардан хулоса чиқармаямиз. Ахир, чет элга кетаётган киши ҳақ-ҳуқуқини билса, қонун асосида иш тутса, бу каби ҳолатлар бўлмас эди-ку?!

Дилноза эса ҳали йигирма ёшга ҳам кирмаганди. Бир оилани обод қилишга, жамиятнинг фаоли бўлишга ҳақи бор эди. Нафақат ҳақи бор эди, балки мамлакатимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган, ҳуқуқлар берилган, имкониятлар мавжуд эди. Ориятли халқ вақили сифатида аёлларимиз билан болиқ бу каби хунук воқеаларни эшитиш барчамизга алам қилади, албатта.

Юртимизда ёшларга яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган Дилнозанинг тенгдошлари бугун оиласи мустаҳкамлигини таъминлаб, жамият раванқига ҳисса қўшмоқда, билим олиб, касб эгаллаб, тадбиркор бўлиб, элга нафти теяпти. Унинг тенгдошлари орасида юртимиз доврғини

дунёга таратаётганлар бор. Лекин, афсуски... Дилнозанинг қисмати бошқача бўлди. Балки бунга унинг ўзи ҳам айбдордир. Даромад топишини осон йўллари кўзлагани оқибатида шу кўйга тушиб қолгандир. Балки бу ҳолнинг сабаби ота-насино маҳалласининг бепарволигидадир. Уйланган Дилноза ва унга ўхшаб осонгина бойиб кетиш орзусида юриб, кейин чув тушиб қолаётганларнинг топгани нима бўлганлиги йўқотганларичи? Топгани озроқ пуллар. (Агар топа олса). Аммо одам қадри-чи? Орномуси-чи? Буларни пулга чақиб бўладими?

Одам савдосига «аср вабоси» дея таъриф беришган. Дарҳақиқат, вабо даҳшатли касаллик. Аммо бир пайтлар одамларни даҳшатга солган ушбу эпидемиянинг тиббийёта давоси топишган. Бугун унга қарши эмланади, инсон танида хасталикка қарши иммун тизини яратилади. Одам савдосига қарши ҳам инсон руҳияти, онгиди иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Яна бир гап: бугун юртимизда хорижга чиқиб ишлашни истовчиларга барча шароитлар яратилган. Қонун йўлидан бориб, хорижда ишлаётганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган. Демак, бу борада ҳеч бир монелик йўқ. Аммо нега тўғри йўл туриб, эгри йўлдан юраемиз? Ё яна уша эски «Бу йўл осон-да» деган гапми? Бироқ бу осон йўл бизни қай даражадаги уқубатли манзилларга элтипти? Бу йўлда нималарни бой беряймиз?..

Ҳа, бу каби муаммоларнинг илдизи кўп. Ёчимиз эса битта — огоҳлик. Онда, маҳаллада, жамиятда ҳушёр бўлиб яшаш, ҳақ-ҳуқуқларини билиб, фаолият юрйтиш бунинг бош мезонидир. Одам савдосига қарши барчамиз биргаликда курашсак ақилларимизни, ён-атрофимиздагиларини унинг домига тушиб қолишдан асраган бўламиз. Яъни ушбу иллатга қарши фақатгина тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эмас, ҳаммамиз бир тану бир ҳом бўлиб курашмас эканми, муаммо ечимини кутиб тураверадим.

Ўқтам ХОЛИҚОВ.

(«Qishloq hayoti» газетасининг 2013 йил 24 октябрь, 128-сонидан олинди.)

СПОРТ

Жамоамиз нимчорак финалда

Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилаётган 17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўсмирларимиз терма жамоаси гуруҳ беллашувларини муваффақиятли якунлади.

Дастлаб Панама футболчиларини 2:0 ҳисобида маълумиятга учратиб, иккинчи турда Марокаш вакиллари билан дуранг ўйнаган ҳамюртларимиз учинчи тур учрашувини Хорватия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказди ва 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Уйиннинг 14-дақиқасида Д.Ҳамдамовнинг зарбасини хорватиялик ҳимоячи ўз дарвозасига тўғирлаб қўйди. 28-дақиқада рақиб жамоа етакчиси А.Халимович ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимда Ж.Болтабоевнинг зарбаси эвазига ёш футболчиларимиз 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Нимчорак финал учрашувида ўсмирларимиз Гондурас футболчиларига қарши тўп суради.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2013 йил 15 октябрдаги 86-сонида «Сайлов жараёни — халқ танлови, эл хоҳишидир» мавзусидаги мақоланинг 5-устуни биринчи хатбосидаги «...фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар...» сўзи «фуқаролар йигини раисининг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар», деб ўқилсин.

Диққат, акция!

«Mahalla» ҳар бир хонадонга!»

Хурматли юртдошлар! Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилмоқда. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, тахририятимизга почта орқали юборишингиз лозим. Тахририятга келган купонлар жамланиб, ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқ-

ланади. Натижалар газетда эълон қилинади. Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади. Ютуқ эгалари газетга йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна қвтаняясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.

4-КУПОН
Исм-шариф:
Манзил:
Телефон:
Обуна бўлинган сана:
Mahalla
«ОБУНА 2014»

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» банк (ОАЖ)

ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРГА:
— Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, телеаппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
— Оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун;
— Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун
КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ.
Кредитларни «Асака» банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.



«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлиминининг телефон рақамлари:

Table with 4 columns: Филиаллар номи, Телефон рақамлари, Филиаллар номи, Телефон рақамлари. Lists branches like Qoraqalpogiston, Andijon, Asaka, etc.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами: (8-371) 120-82-88.

«Асака» Банк — ОБОД ТУРМУШ ВА ҲАЁТ ХИЗМАТИДА! Кизматлар лицензияланган.

Mahalla logo and address: Muassis: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви. Address: Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Boш муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ. Telephone: 233-39-89. ISSN 2010-7033. 18690 nusxada chop etiladi. Buzortma J-8364. Topshirish vaqti — 21.90. Topshirildi — 21.90.